



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 9 » февраль

№ ПК-67

Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида

Қашқадарё вилоятида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли орасида сурункали касалликларни эрта аниқлаш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан профилактик кўриклар ва скрининг дастурлари кўламини кенгайтириш;

ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкологик ва бошқа касалликларнинг олдини олиш;

аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматларни яқинлаштириш, вилоят даражасида 40 турдаги ва туман даражасида 20 турдаги янги даволаш ва диагностика усуллари амалиётга жорий қилиш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини ошириш, тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжни қондириш, жумладан, олис ва чекка ҳудудлардаги вакант ўринларни малакали кадрлар билан бутлаш;

аҳоли ва тиббиёт ташкилотларини сифатли ва хавфсиз дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш;

тиббиёт тизимини рақамлаштириш.

2. Қўйидагилар:

2024–2026 йилларда Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча **чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

2024–2026 йилларда Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини зарур **тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш дастури** 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини **компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қўйидагиларни амалга оширсин:

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг ўз соғлиги учун жавобгар эканлиги юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш;

ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, катталар ва кексалар учун тўғри овқатланиш, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпламини яратиш;

аҳолининг ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун парҳез овқатланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ташкилотларида “Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари” машғулотларини, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув режаларига “Саломатлик сабоқлари” мавзуларини киритиш орқали болаларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ҳосил қилиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича махсус туркум дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш.

Бунда, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, дори воситаларини ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини қўллашга оид махсус кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар ва роликларнинг мунтазам намойиши йўлга қўйилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари:

а) 2024 йил 1 апрелга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг барча тиббиёт бригадалари ходимларини аҳолининг хавф гуруҳини аниқлаш ҳамда уларни юрак-қон томир, қандли диабет ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скринингдан ўтказиш юзасидан малакасини ошириш чораларини кўрсин.

Бунда, тегишли республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тавсиялари асосида Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти томонидан **скрининг дастурларини амалга ошириш бўйича ўқув курслари** ташкил этилади;

б) тиббиёт муассасаларидаги мавжуд вақант шифокор ўринларига тиббиёт олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талабаларини ишга қабул қилиш бўйича жорий этилган тажриба-синов лойиҳасини 2024–2025 йилларда барча ҳудудларда давом эттириш чораларини кўрсин;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари учун Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 5 йил ишлаб бериш шарти билан алоҳида давлат буюртмаси жорий этилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, 2024 йил 1 майдан бошлаб Қашқадарё вилоятида онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаган тиббиёт бригадалари ҳар бир аниқланган ҳолат учун Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **2 миллион сўм** миқдорида рағбатлантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2024 йил 1 мартга қадар** онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаган тиббиёт бригадаларини рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

2024 йил 1 мартдан бошлаб Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд қувватлари доирасида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилояти филиалининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган ўрин-жойлар сонини **220 тадан 300 тага** ошириш;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли Қарши темир йўл шифохонасининг бино, иншоотлари, тиббий техника ва жиҳозларини **Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилояти филиалига беғараз ўтказиш** орқали уларни бирлаштириш.

Бунда, Қарши темир йўл шифохонасига амалда бириктирилган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш (давлат томонидан кафолатланган бепул хизматлар бундан мустасно) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва тиббиёт муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Қарши шаҳар туғуруқ комплекси ўрнида **200 ўрин-жойли** янги туғуруқ комплексини қуриш.

Бунда, янги туғуруқ комплекси:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг техник топшириғига асосан хусусий тадбиркор томонидан замонавий талаблар асосида лойиҳалаштирилади, қурилади ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади;

қурилиш ишлари тўлиқ якунлангандан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги балансига ўтказиб берилади;

б) Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд қувватлари доирасида **50 ўринга** мўлжалланган оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлар билан хасталанган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи **ҳудудлараро хоспис** ташкил этиш.

Бунда:

хосписни қуриш ва уни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Қашқадарё вилояти **маҳаллий бюджети**, зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

хоспис фаолиятини ташкил этиш ва уни сақлаш билан боғлиқ масалалар Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ҳудудлараро хоспислар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **бир ой муддатда** Қарши шаҳри, А.Навоий кўчаси, 79-уй манзилида жойлашган ер майдонини Қашқадарё вилояти ҳокимлиги захирасига ўтказиб берилишини таъминласин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Қарши шаҳрида янги кўп тармоқли тиббиёт марказини ва Бешкент шаҳрида янги шифохонани қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш учун Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси (кейинги ўринларда – ҚАИРЖ) маблағларини жалб этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Янги қуриладиган тиббиёт маркази ва шифохона концепциялари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лойиҳаларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқармаси (кейинги ўринларда – UNOPS) томонидан ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига, истисно тариқасида, Қарши шаҳрида янги кўп тармоқли тиббиёт марказини ва Бешкент шаҳрида янги шифохонани қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш мақсадида UNOPS гуруҳи билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга розилик берилсин ва унда назарда тутилган шартларга мувофиқ молиялаштириш таъминлансин.

Бунда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари кейинчалик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ҚАИРЖ маблағлари, халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар молиявий ташкилотлари маблағларини жалб этиш бўйича қарз келишуви имзоланганидан ҳамда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари тасдиқлангандан сўнг, ҚАИРЖ қарзи ҳисобидан бир марталик тўлов билан қопланади.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрнатилган тартибда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш учун киритиш чораларини кўрсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **бир ой муддатда** Қарши шаҳри ва Китоб туманида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инфаркт ва инсульт касаллиги асоратларини даволаш, протезлаш жарроҳлигидан сўнг тикланиш ҳамда суяк-мушак тизими касалликлари мавжуд беморларни махсус даволаш муолажаларини амалга оширишга ихтисослаштирилган **реабилитация марказини** ташкил этиш бўйича тендер савдоларини эълон қилсин.

Белгилансинки, реабилитация марказида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) орқали қоплаб берилади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, **2024 йил 1 июлдан бошлаб** Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги вилоят даражасидаги шифохоналар фаолиятини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно):

Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағига харажатлар таснифининг бир сатрида ўтказиб берилади;

Жамғарма билан тузилган шартномалар асосида йўналтирилади. Бунда, уларга ажратиладиган маблағларнинг **10 фоизидан кам бўлмаган қисми ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан** келиб чиқиб белгиланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **2024 йил 1 июнга қадар** ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштиришни жорий қилиш учун зарур **клиник харажатлар гуруҳларини** ишлаб чиқсин.

12. Мазкур қарорнинг 2, 2а ва 3-иловаларида назарда тутилган тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш доирасида амалга оширилади.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А.А. Худаяров белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 9 февралдаги ПҚ–67-сон қарорига
1-илова

2024–2026 йилларда Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
I. Даволаш, шошилиш ва тез тиббий ёрдам хизматларининг сифати ва самарадорлигини ошириш					
1.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида жигар трансплантацияси ва кардиохирургик амалиётларни жорий этиш.	1. 32 нафар малакали мутахассислардан иборат гуруҳни Россия, Беларусь, Ҳиндистон давлатлари ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида малака оширишини таъминлаш. 2. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари ва чет эллик мутахассислар иштирокида мастер-класслар ташкил этиш. 3. Жигар трансплантацияси ва кардиохирургик амалиётларни вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида мустақил йўлга қўйиш.	2024–2026 йиллар	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
2.	Тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига радиоалоқа воситаларини ўрнатиш.	284 та тез тиббий ёрдам автомобиллари учун радиостанция, 1 та транкингли база станцияси, 16 та база ретранслятори, 5 та стационар транкингли радиостанция ва 5 та портатив транкингли радиостанция харид қилиш.	2024–2026 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари (7,5 млрд сўм)	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
II. Касалликлар профилактикаси, тиббий кўрик ва скрининг дастурлари самарадорлигини ошириш					
3.	45-65 ёшли аёлларда кўкрак беи саратонини аниқлаш.	Аёлларда кўкрак беи саратонини эрта аниқлаш мақсадида: 2024 йилда 370 минг нафар; 2025 йилда 390 минг нафар;	2024–2026 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
		2026 йилда 395 минг нафар аёлларни скринингдан ўтказиш.			
4.	35-55 ёшли аёллар орасида бачадон бўйни саратони касаллигини аниқлаш.	Аёлларда бачадон бўйни саратонини эрта аниқлаш мақсадида: 2024 йилда 400 минг нафар ; 2025 йилда 410 минг нафар ; 2026 йилда 455 минг нафар аёлларни скринингдан ўтказиш.	2024–2026 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
5.	15-49 ёшли туғиш ёшидаги аёлларни профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш, касаллик аниқланганларини соғломлаштириш ишларини олиб бориш.	Туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, экстрагенитал касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва соғломлаштириш мақсадида: 2024 йилда 925 минг нафар ; 2025 йилда 935 минг нафар ; 2026 йилда 940 минг нафар туғиш ёшидаги аёлларни профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш.	2024–2026 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
6.	Аҳоли орасида туберкулёз касаллигини эрта аниқлаш мақсадида хавф гуруҳига мансуб аҳолини флюорографик текширувдан ўтказиш.	Хавф гуруҳига мансуб аҳоли орасида туберкулёз касаллигини эрта аниқлаш мақсадида: 2024 йилда 270 минг нафар ; 2025 йилда 275 минг нафар ; 2026 йилда 285 минг нафар аҳолини флюорографик скрининг тадбирлари билан қамраб олиш.	2024–2026 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
7.	18-40 ёшли аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, саломатлик ҳолатини аниқлаш.	2024 йилда 1 300 минг нафар ; 2025 йилда 1 400 минг нафар ; 2026 йилда 1 500 минг нафар 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш.	2024–2026 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
III. Тиббий таълим, малака ошириш ва кадрлар таъминоти					
8.	Тиббиёт муассасаларидаги вакант ўринларни олий таълим ташкилотларини битирган мутахассислар билан таъминлаш.	2024 йилда 225 нафар ; 2025 йилда 254 нафар ; 2026 йилда 271 нафар бакалавр ва клиник-ординатура битирувчиларини ишга қабул қилиш.	2024–2026 йиллар	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
9.	Тиббиёт бирлашмаларидан 2 нафардан мутахассисларни нуфузли чет эл клиникаларида малака оширишини таъминлаш.	Ҳар йили 32 нафардан мутахассислар рўйхатини шакллантириш ва малака оширишга юбориш.	2024–2026 йиллар	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
IV. Моддий-техник базани такомиллаштириш					
10.	Қашқадарё вилоятидаги туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш.	Туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларини 135 турдаги 2 564 та зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш .	2024–2026 йиллар	Халқаро молия институтлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О. Омонов), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов)
11.	Кўкдала туманида 60 ўринли туғуруқ мажмуасини қуриш ва жиҳозлаш.	1. 2025 йилда объектни ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш. 2. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендер савдоларини ўтказиш, қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.	2025–2026 йиллар	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О. Омонов), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фазилкаримов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
V. Ихтисослаштирилган тиббий хизматларни ривожлантириш					
12.	Вилоят ва туман (шаҳар) муассасаларига янги юқори технологик амалиётларни татбиқ этиш.	Вилоят даражасидаги 40 турдаги ҳамда туман (шаҳар) даражасида 20 турдаги янги юқори технологик амалиётларни татбиқ этиш.	2024–2026 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д. Султанов)
13.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази аллергиялогия бўлимида янги ташхислаш ва даволаш усуллари жорий этиш.	1. Республика ихтисослаштирилган аллергиялогия ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиалида 20 турдаги ташхислаш-даволаш аллергияларини харид қилиш. 2. Аллергиялардан фойдаланиш бўйича тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш. 3. Аллергиялар ёрдамида аллергия касалликлар диагностикаси ва даволашга этиология ёндашувларни таъминлаш.	2024 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари (100 млн сўм)	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д. Султанов)
14.	Аҳоли орасида юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва уларнинг асоратларини олдини олиш.	1. 40 ва ундан катта ёшдаги 960 минг нафар аҳолини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг PEN-протоколига асосан скринингдан ўтказиш. 2. Скринингдан ўтган аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари хавф-стратификациясини баҳолаш. 3. Хавф омилларидан келиб чиқиб аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш.	2024 йил давомида	Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали маблағлари (45 млн сўм)	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д. Султанов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
15.	Вилоятда миокард инфаркти, инсульт, таянч ҳаракат аъзолари касалликлари билан оғриган беморлар реабилитациясини ташкил этиш.	Қарши шаҳри ва Китоб туманида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инфаркт, инсульт, таянч ҳаракат аъзолари касалликлари асоратларини даволаш, протезлаш жарроҳлиқдан сўнг тикланиш ҳамда суяк-мушак тизими касалликлари мавжуд беморларни махсус даволаш муолажаларини амалга оширишга ихтисослаштирилган реабилитация марказини ташкил этиш.	2024–2026 йиллар	Давлат-хусусий шериклик маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
16.	Қарши шаҳрида 50 ўринли хоспис ташкил этиш.	Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларнинг мавжуд қувватлари доирасида 50 ўринга мўлжалланган оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлар билан хасталанган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи ҳудудлараро хоспис ташкил этиш.	2024–2026 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
VI. Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаолликни ошириш					
17.	Маҳаллаларда “Саломатлик мактаби” фаолиятини шакллантириш.	819 та МФЙда ташкил этилган “Саломатлик мактаби” аъзолари билан соғлом овқатланиш асослари, жисмоний фаоллик, зарарли одатларга қарши курашиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича семинар ўтказиш.	2024–2026 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
18.	“Соғлом овқатланиш ярмаркаси” тадбирларини ўтказиш, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш тамойиллари бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.	1. Тиббиёт ходимлари томонидан маҳалла гузарларида, аҳоли кўп тўпланадиган манзилларда (бозор, супермаркет, хиёбон, парк, сайилгоҳ, корхона ва ташкилот) “Соғлом овқатланиш ярмаркаси”ни ўтказиш. 2. Аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларининг организмга ижобий ва салбий таъсири тўғрисида маълумотлар бериш, интерактив ўйинлар ўтказиш.	2024–2026 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаси	Масъул ижрочилар
VII. Хусусий тиббиётни ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш					
19.	Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш.	Вилоятда камида 70 та хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш.	2024–2026 йиллар	Хусусий инвестор ва банк кредит маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
20.	Вилоят перинатал марказининг собиқ биносининг бир қисмида давлат-хусусий шериклик асосида 150 ўринли туғуруқхона, тиббий ташхис қўйиш ва соғломлаштириш маркази ташкил қилиш.	1. Вилоят перинатал маркази собиқ биносининг фойдаланилмаётган қисмидан давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланиш учун шартномани тузиш. 2. Шартнома асосида бинони 30 йил муддатга ижарага бериш.	2024 йил давомида	Хусусий инвестор ва банк кредит маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
21.	Қарши шаҳрида давлат-хусусий шериклик асосида тиббиёт университетини ташкил этиш.	1. Хусусий шерикликка салоҳиятли маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни жалб қилиш. 2. Тиббиёт университети учун бино, ер майдонларини ажратиш.	2024–2025 йиллар	Хусусий инвестор ва банк кредит маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)
VIII. Тиббиётни рақамлаштириш					
22.	Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини зарур компьютер техникалари билан таъминлаш.	Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини 3 487 та компьютер техникалари билан таъминлаш. Бунда, ушбу техникалар қуйидаги манбалар асосида харид қилинади: 970 та компьютер жамланмаси – маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан; 2 517 та компьютер жамланмаси – республика бюджети, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан.	2024–2026 йиллар	Республика бюджети, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 9 февралдаги ПҚ–67-сон қарорига
2-илова

2024–2026 йилларда Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш дастури

[illegible]

T/p	Тиббий жиҳозлар номи	Қарши тумани	Қарши шаҳри	Касби тумани	Миришкор тумани	Муборак тумани	Нишон тумани	Косон тумани	Ўзур тумани	Деҳқонobod тумани	Қамаши тумани	Чироқчи тумани	Яккабoғ шаҳри	Яккабoғ тумани	Шаҳрисабз шаҳри	Шаҳрисабз тумани	Китоб тумани	Қўқдала тумани	Жами талаб (сони)
32	Хирургик сўрғич (каттаси)																	3	3
33	Офтальмоскоп/отоскоп	12		15	9	4	9	14	13	8	11	17		14		17	15		158
34	Катталар ва болалар учун электрон тарози	28		34	18	14	20	32	30	20	24	38		32		38	30		358
35	Чақалоқлар учун электрон тарози	28		34	18	14	20	32	30	20	24	38		32		38	30		358
36	Гинекологик кресло	9		12	6	5	7	9	10	7	8	12		9		12	9		115
37	Гинекологик ва хирургик инструментлар тўплами	6		8	5	2	5	7	7	4	6	9		7		9	8		83
38	Ректоскоп учун ёритгич	2	3	2	2	2	2	2	2	2	2	2		2		2	2		29
39	Стоматологик кресло	6		8	5	2	5	7	7	4	6	9		7		9	8		83
40	C-ARM рентген ускунаси	1	1		1	1	1	1		1	1	1		1		1	1	1	13
41	Мобил рентген ускунаси			1	1		1			1	1	1		1		1	1	1	10
42	Рақамли стационар рентгенография ускунаси	1			1	1	1	1		1		1					1	1	9
43	Ультратовуш ускунаси	1	1		3		1			1	1	1				1	1	1	12
44	Электрокардиограф	1			1					1		1				1		1	6
45	Холтер ускунаси	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
46	Кўрик учун кўчма ёритгич	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
47	Электрозэнцефалограф						1							1			1	1	4
48	Видеобронхоскоп	1	1		1	1	1	1		1	1	1		1	1	1	1	1	14
49	Видеоколоноскоп	1	1		1		1	1		1	1	1		1	1	1	1		12
50	Офтальмоскоп	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
51	Аудиометр	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
52	Лапароскоп тўплами	1	1				1			1	1					1		1	7
53	ЛОР-комбайн	2	2	2	3	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	1	2	32
54	Гинекологик асбоб-ускуналар тўплами	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	32
55	Гинекологик кресло	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
56	Акушерлик асбоб-ускуналар тўплами	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	32
57	Видеокольпоскоп		1	1	1		1		1	1	1	1		1	1		1	1	12
58	Катта хирургик тўплам	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
59	Кичик хирургик тўплам	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
60	Электрохирургик коагулятор (200 W)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
61	Видеоларингоскоп	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1		1	1	1	1	1	15
62	Мониторли дефибриллятор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16
63	Кардиомонитор	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	32
64	Наркоз ускунаси	1	1	1	1	1	1			1	1	1			1	1	1	1	13
65	Шприцли дозатор	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5		5	5	5	5	5	80
66	Инфузомат	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5		5	5	5	5	5	80
67	Кичик аспиратор тўплами	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	32
68	Хирургик катта аспиратор тўплами	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	32
69	Плазмали стерилизатор (100 л)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		1	1	1	1	1	16

T/p	Тиббий жиҳозлар номи	Қарши тумани	Қарши шаҳри	Қасби тумани	Миришкор тумани	Муборак тумани	Нишон тумани	Қосон тумани	Ўззор тумани	Деҳқонобод тумани	Қамаш тумани	Чироқчи тумани	Яккабоғ шаҳри	Яккабоғ тумани	Шаҳрисабз шаҳри	Шаҳрисабз тумани	Китоб тумани	Қўқдала тумани	Жами талаб (сони)
70	ЛОР асбоб-ускуналар тўплами	2	2	2	3	2	2	2	2	2	2	2		2	2	2	1	2	32

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 9 февралдаги ПҚ–67-сон қарорига
2а-илова

2024–2026 йилларда Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш дастури

T/p	Тиббий жиҳозлар номи	РШТЎИМ Қашқадарё филиали	Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	Урология маркази Қашқадарё филиали	Нефрология ва буйрак трансплантацияси маркази Қашқадарё филиали	Онкология ва радиология маркази Қашқадарё филиали	Жами талаб (сони)
Жами		55	9	5	17	6	76	168
1	Универсал ангиографик ускуна	1						1
2	Мультикесимли компьютер томографи	1						1
3	Кўп функцияли электрохирургик тизим	1						1
4	Плазмафарез учун ускуна	1						1
5	Плазмали стерилизатор	1						1
6	Буғли стерилизатор	4						4
7	Қуруқ иссиқлик шкафи	5						5
8	Портатив аспиратор	6						6
9	Хирургик аспиратор	6						6
10	Беморни ҳаво билан иситиш ускунаси	1						1
11	Инфузион суюқликларни иситиш ускунаси	3						3
12	Ҳаво рециркулятори	10						10
13	Эхоэнцефлограф	1						1
14	ЭКГ	6						6
15	Холтер мониторинги тизими	1						1
16	Электрли бурғу	1						1
17	Операцион чироқ (видеокамерали ва мониторли)	3						3
18	Тери пластикаси учун ускуналар тўплами	1						1
19	Ёпиқ турдаги ИХЛАнинг автоматик иммунохимёвий анализатори (соатиға 80 дан ортиқ синов учун)		1					1
20	Гематология анализатори 6DIFF автоматик таҳлил модули билан (соатиға 109 дан ортиқ тестлар учун)		1					1
21	20 литр/соат қувватға эга сув тозалаш тизими		1					1
22	Лаборатория мебели		1					1
23	ЛОР-комбайн (микроскоп ва видео тизими билан)	1	1	1				3
24	ЛОР асбоб-ускуналар тўплами	1	1	1				3
25	ЛОР органлар учун эндоскопик видеоқурилма		1	1				2

T/p	Тиббий жиҳозлар номи	РШТЎИМ Қашқадарё филиали	Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	Урология маркази Қашқадарё филиали	Нефрология ва буйрак трансплантацияси маркази Қашқадарё филиали	Онкология ва радиология маркази Қашқадарё филиали	Жами талаб (сони)
26	ЛОР-микроскоп		1	1				2
27	ЛОР-жарроҳлик тиббий ускуналар тўплами		1	1				2
28	C-ARM рентген ускунаси				1			1
29	Ультратовуш ускунаси (портатив 3та датчиклар билан)				1			1
30	Урологик видеолапароскопик ускуна				1			1
31	Юқори ва пастки сийдик йўлларини тери орқали хирургияси учун эндоурологик асбоблар тўплами (катталар учун)				1			1
32	ТУР ва лазерли энуклеация амалиётлари учун тўплам				1			1
33	Гольмий лазер (камида 30 вт)				1			1
34	Тери орқали хирургия ва ТУР амалиёти учун видео тизим				1			1
35	Сог-биопсия учун ингичка игнали пункцион тўплам				1			1
36	Урологик операцион стол (рентген юпқали дека билан)				1			1
37	Катта хирургик тўплам (урологик)				1			1
38	Кичик хирургик тўплам				1			1
39	Юқори кучланишли электрокоагулятор (биполяри)				1			1
40	Кўп ишлатиладиган 7 мм гача бўлган томирларни коагуляция қилиш ва пишириш учун кўп функцияли электрожарроҳлик ускунаси				1			1
41	Урофлоуметр				1			1
42	pH-метр				1			1
43	Спермоанализатор				1			1
44	Хирургик электросўргич				1			1
45	Кўп функцияли ультратовушли сканер (конвексли, чизиқли, катталар учун секторли босқичма-босқич, бўшлиқ ичи учун, биопсия пистолети тўпламни ичида)					1		1
46	Бемор монитори (ЭКГ, ЮУТ, НИАД, SpO2, тана ҳарорати)					1		1
47	Сувни тайёрлаш тизими (10 та шифо-ўринга)					1		1
48	Диализ эритмаси концентратларини тайёрлаш учун мослама					1		1
49	Қон газлари ва электролитлар анализатори					1		1
50	Автоматик иммунохемилюминесцент анализатори					1		1
51	Рентген ускунаси						1	1
52	Мультикесмали компьютер томографи (128 кесмалар)						1	1
53	Рақамли стационар рентгенография ускунаси						1	1
54	C-ARM мобил хирургик рентген ускунаси						1	1
55	Кўп функцияли ультратовуш сканери						1	1

T/p	Тиббий жиҳозлар номи	РШТЁИМ Қашқадарё филиали	Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	Урология маркази Қашқадарё филиали	Нефрология ва буйрак трансплантацияси маркази Қашқадарё филиали	Онкология ва радиология маркази Қашқадарё филиали	Жами талаб (сон)
56	Кўп функцияли ультратовуш сканери, портатив						1	1
57	Наркоз ўскунаси						2	2
58	Сунъий нафас олиш аппарати						3	3
59	Болалар ўчун сунъий нафас олиш аппарати						1	1
60	Бемор монитори						5	5
61	Дефибриллятор-монитор						1	1
62	Инфузион сўргич						3	3
63	Инфузион сўргич кимётерапия ўчун						5	5
64	Шприцли насос						4	4
65	Консоль реанимация хоналари ўчун						3	3
66	Консоль операцион хоналар ўчун						2	2
67	Электрхирургик аппарат						2	2
68	Хирургик жиҳозлар тўплами						2	2
69	Хирургик аспиратор						2	2
70	Операцион ёритгич, стационар						2	2
71	Операцион столи						2	2
72	Кимётерапия ўчун махсус кресло						5	5
73	Паст ҳароратли плазмали стерилизатор						1	1
74	Лапароскопик операциялар ўчун асбоб-ўсқуналар тўплами						1	1
75	Ректоскоп тўплами катталар ўчун						1	1
76	Видеоэндоскопия ўчун асбоб-ўсқуналар тўплами (бронхо-, гастро-, дуодено-, колоно-)						1	1
77	Бронхофиброскоп тўплами						1	1
78	Гастрофиброскоп тўплами						1	1
79	Колонофиброскоп тўплами						1	1
80	Рақамли видеокольпоскоп						1	1
81	Қон газлари ва электролитлари анализатори						1	1
82	Автоматик гематологик анализатор						1	1
83	Автоматик биокимёвий анализатор						1	1
84	Автоматик гистологик процессор						1	1
85	Парафин қуйиш станцияси						1	1
86	Кесмаларни қуришиш столи						1	1
87	Лаборатор термостат						1	1
88	Яримавтоматик микротом						1	1
89	Бинокүлярли микроскоп камера билан						1	1

T/p	Тиббий жиҳозлар номи	РШТЎИМ Қашқадарё филиали	Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	Урология маркази Қашқадарё филиали	Нефрология ва буйрак трансплантацияси маркази Қашқадарё филиали	Онкология ва радиология маркази Қашқадарё филиали	Жами талаб (сони)
90	Радиокучланиш абляция ўскунаси						1	1
91	Термик абляция ўчун ўскуна, портатив						5	5
92	Автоматик лаборатор ўскуна ва ОПВ реагентлари (одам папилломаси вирусини аниқлаш ўчун)						1	1
93	Рақамли маммографик тизимли ўскуна (2D)						1	1
94	Кимётерапевтик препаратларни марказлаштирилган суюлтириш ўчун ҳаво шкафи						1	1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 9 февралдаги ПҚ–67-сон қарорига
3-илова

Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини компьютер техникаси
ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш дастури

Т/р	Туман(шаҳар)лар	Компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар					Локал тармоқ		
		Компьютер	Кўп функционал принтер	Монохром принтер	UPS	Термо-принтер	УТР кабел (метр)	Тармоқ шкафи (дона)	SWITCH
Жами		3 487	1 849	1 216	3 665	276	44 200	55	59
1	Ғузор тумани	197	252	303	540	23	1400	2	2
2	Деҳқонобод тумани	169	50	22	176	25	7000	6	7
3	Қамаши тумани	224	114	162	235	16	9200	11	12
4	Қарши тумани	379	60	29	222	20	2200	3	3
5	Қарши шаҳар	339	126	43	106	15	700	1	1
6	Касби тумани	210	46	120	150	22			
7	Китоб тумани	280	159		411	16	5500	5	6
8	Кўкдала тумани	93	79	14	198	14			
9	Миришкор тумани	138	92	67	164	5			
10	Муборак тумани	106	82	40	119	18	2800	4	4
11	Нишон тумани	124	217		194	11	3600	6	6
12	Чироқчи тумани	178	34	22	141	16			
13	Шаҳрисабз тумани	311	163	136	206	25	1400	2	2
14	Шаҳрисабз шаҳар	260	38	5	154	4	2000	1	2
15	Яккабоғ тумани	301	129	123	308	26	1200	2	2
16	Косон тумани	178	208	130	341	20	7200	12	12

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПҚ–197-сон қарорига мувофиқ компьютер техникасининг 2517 таси республика бюджети, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари, 970 таси Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинади.

